



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ЮРАК”КОНЦЕПТИНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ

Мардиев Тўлқин,
СамдЧТИ мустақил тадқиқотчиси

Калим сўзлар: вербал, ментал, туйғу, қалб, кўнгил, юрак, дил, қадрият, концепт, ҳис-туйғу, метаномик

Маълумки, ўзбек ва инглиз тили бадиий матнларида юрак концептига хос ментал маънолар “қалб, кўнгил, дил” каби лексема орқали ҳам ифодаланади. Юрак лексемасида инсон туйғулари жойлашган ўрни, инглизча **dearheart** мурожаатидаги метаномик-маъно кўчирилиши; инсонга маълум даражада мойиллик, ҳамдардлик билдириш, қайғуга шерик бўлиш; хаётй муҳим ёки ундан ҳам қимматроқ тушунчаларга, матонат ва жасорат каби инсоний туйғуларга эга бўлган қадриятлар вербал маънолар ифодаланади. *I know Marianne's heart: I know that she dearly loves me, and that I shall not be the last to whom the affair is made known, when circumstances make the revealment of it eligible.*[8, 124]

Ўзбек тили бадиий матнларида **юрак** концептига хос ментал маънолар инглиз тилидан фарқли равишда “қалб, кўнгил, дил” каби лексемалар орқали ҳам ифодаланади: “Мулк соҳиби” бўлишдан кўра **кўнгил** соҳиби бўлиш шарофати ҳакида мумтоз адабий меросимизда ибраторумуз фикрлар, вербал ҳис-туйғулар жуда кўп.

“Инсон дилини англаш, унга меҳр бериш, самимий тилаклар изхор этиш илинжи шарқ адабиётида улуғланиб таърифланган, чунки **қалбга** йўл топилмаса барча соҳаларнинг ривожи, жамият тараққиёти ҳақидаги сўз пучга айланади. Шунинг учун инсоннинг онгу шуури, **қалбигина** улуғ ва қутлуғ ишларга қодир”. Кўриниб турибдики, ушбу матнларда инсон **қалби**, **дили** лексемалари **юрак** концепти ментал маъноларига мос

келади ва инсон ҳис-туйғусига хос вербал қадриятларни ифодалаб келади.

Ушбу ўринда биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ҳам **қалб** лексемасини қўллаб, ўз асарида **қалб** сўзини инсон руҳиятидаги **юрак** концептининг эквиваленти сифтида **қалб** лексемасини қўллаган. Масалан, “Ободлик қалбдан бошланади” деган ҳикматли фикрни ҳам айтган [3, 2].

Ушбу ҳикматли фикрнинг моҳияти бевосита инсон орқали очилади. Чунки, гап **қалб** ҳақида борар экан, бевосита **қалб** эгаси бўлган инсон тақдирни унинг ҳаёти, жамиятда тутган ўрни, мавқеи, жамиятдан нима олаётгани-ю, нима бераётгани хусусида боради. Дарҳақиқат, **қалби тоза** инсон яратувчанлик иши билан шуғулланади. **Қалби қўркам** одам ҳаётни яна ҳам гўзаллаштиришга интилади. **Қалби обод** одам, энг аввало, уйини, қишлоғини ёки маҳалласини, қолаверса юртини обод килади. ... Барчамизга аёнки, инсон **қалбига йўл**, аввало, таълимтарбиядан бошланади [3, 130].

Ушбу қайд этилган матнларда **қалб** эгаси, **қалбига йўл**, **қалби тоза**, **қалби қўркам**, **қалби обод** каби бирикмалар аслан инсон организмини ифодалайдиган **юрак** эквиваленти ёки синоними сифатида вербаллашиб келган. Ушбу инсонга хос кўнгилдаги ментал туйғуда ўзаро тушуниш, бир-бирини англаш маъносига қўлланилиши мумкин. Чунки, баъзан бир маконда яшаб бир жамиятда ишласак-да, ўзаро бир-биримизни тушунмасдан **дил** **хиралилкка** йўл кўямиз. Бунинг сабаби ҳар кимнинг характери, савияси, диди ҳар хил



бўлгани учун, ўзига яраша муомалани талаб қиласди. Бунинг учун юқорида айтилганидек, **инсон қалбини** англаб, уқиб, унинг ўзига хос муомалани талаб қиласдики, шу орқали унинг **қалбига, юрагига** кириш мумкин. Ушбу ўринда шоирнинг кўйидаги тўртлиги эсга келади:

Қолмади одамзод кирмаган гўша,
Еру кўкда, сувда ҳозир ҳамиша.
Оҳ, гоҳида ёнма-ён турару инсон,
Бир-бирининг **қалбига** киролмай
сарсон [4, 6].

Ёки **қалбга** йўл маърифатдан бошланади дейилган ҳикмат бор.

Демак, юқоридаги айтилгандардан кўриниб турибдикি **қалб**, **қўнгил** каби лексемаларнинг ментал маъноларида **юрак** концептининг хусусиятлари тўлиқ акс этади. Бу лексемалар ўрнида юрак сўзини бемалол қўллаш мумкин. Халқнинг тилида “**Дил-қулф, тил-калит**” деган ҳикматли сўз бор. Бу ҳақда тилшунос Жуманиёзов Раҳимбой шундай деб ёзади. “Кулфлоғлик эшикни очиш мушкул. Ҳарчанд киришга уринманг, бефойда. Бирорга тушадиган калит иккинчисига тўғри келмайди. Ҳар бирининг ўз очқичи мавжуд, “тишлари” бошқача. Одамзод **қалби** ҳам шунга монанд. Ҳар бири ўз диди, савияси, билими, фикрлаш ва яаш тарзи ҳамда дунёкараши билан ажralиб туради. **Қўнгил** қулфига мосу хос очқич бу инсоннинг сўзи, нутқнинг хулқидир”. Ҳазрат Навоий “**Қўнгил** хазинаси қулфи тил, калити сўз” деганларида юқоридаги фикрга ишора қилганлар.

Демак, тил калит бўлса, **дил** қулф, шундай экан ҳар қандай қулфга ҳар қандай калит тушавермайди. Бу дегани тилингиз дилингизга, дилингиз дидингизга мос бўлсагина марра сизники. Лекин уларнинг ўзига хос мантиқий маъноси ҳам мавжуд. **Юрагимга** яқин, **қўнглимга** яқин, дилимга, **қалбимга** яқин каби, масалан:

-**юрак** ботирда ҳам бир бўлак,
қўрқоқда ҳам.

-**юракда** бўлса, билакка чиқади
каби.

Ушбу мисолларда **юрак**, **қалб**, **дил**, **қўнгил** каби лексемалар семантически

жихатдан бир-бирига мос келади ёки ўхшашдир. Улар бир-бирининг ўрнида қўлланилиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг ўзига хос фарқли семантические значения разные. Кўпинча уларни бир-бири ўрнида қўллаганда ғализлик сезилади. Чунончи, **қалб** ёки **дил** лексемаларини қўп ҳолларда қўллаб бўлмайди.

Ўзбек тилидаги паремиологик лугатларда **юракка** хос туйғу-хислатлар бўйича ҳам маълум даражада ўрин ажратилганинг кузатиш мумкин. Улардаги вербал ва қадрият маънолари ҳам акс этган. Масалан, “*Юракнинг қулоги бор. Юраги тўлганинг тийғиси қўп. Юраги қоранинг юзи қора. Юрак ботирда ҳам бир бўлак, қўрқоқда ҳам. Юракда бўлса, билакка чиқади. Юракдан – оҳ, кўздан – ёши. Юрак тоза – тилак тоза. Юрак юракка дарак беради*” кабилар шулар жумласидандир [2, 241].

Ўзбек бадиий адабиётида **юрак** лексемасининг ўзи ҳам кўп ҳолларда вербаллашган ҳолда қўлланилганини кузатиш мумкин: “Айби йўқ ўғлим, - деди, - муҳаббат жуда оз йигитларга мусассар бўладиган **юрак гавҳари**дир (27-б.), Икки жон, икки **юрак** гўёки биттадек бир-бирисини англар, бирисидан-бирисига ўтиб юрап эди шу вақт [1, 151]. Кўпол гапириб юрганим учун тилимни тишлидим, лекин юрагим яна гуриллаб ёнди [1, 26]. ... “**юрак амри билан**” деган хабарда Муборакхонни хўп мақтагандан кейин хўжалик она-болага бирорвнинг ҳовлисидан жой берди [1, 55]. юрагимни кимга бўшатишни билмаганим учун бу гапни айтаётганим йўқ [1, 58]. Юрак бадиий матнларда ўз маъносида, яъни инсон организм маъносига хос тарзда ҳам вербаллашади: қинидан чиққудек бўлиб ураётган юраги аста-секин тинчланиб, ўзини босиб олди [5, 71]. Юқорида қайд этилганидек, юрак лексемасида инсон туйғулари концептуал белгилари кўп бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларида шундан тўрттаси кенг қўлланилади: а) физиологик орган сифатида тушунилиш; б) инсон туйғулари



мажмуи; в) инсонга хос туйгусининг муҳим марказий қисми; г) юракнинг рамзий тасвири кабилар.

Бундай концептуал белгилар бадиий адабиёт матнларида учрайди: “**Юрагида** сирқираган оғриқ азоби нечоғли кучли бўлмасин, у ўзини хотиржам тутишга уринди (52-б.). Ҳар нарса **юрагини** сиқаркан (12-б.), ...жавобсиз саволлар раиснинг **юрагига** яна оғриқ туширди (14-б.). Йўталсангиз **юракка** оғриқ тушади-ку, акам, духтирлар нима деркан?” (71-б.) [5, 12-71].

Инсон туйгулари концептуал белгиларнинг лугатларда изоҳланиши ёки **heart** ва **юрак** лексемаларининг семантикаси инглиз ва ўзбек тилларида кенроқ таснифланган. **Heart** ва **юрак** лексемалари семантикасида аслида юракнинг қонни ҳайдайдиган ва ҳисстуйгуларни туғдирувчи органи сифатида тасаввур қилиниши ҳисобланса-да, инглиз тилида **heart** лексемасининг семантикаси инсон қалбида кечеётган ҳаяжонли ҳолатларни ифодалаб келишда намоён бўлади. Масалан, If you knew what a consolation it was to me to relieve my heart speaking to you of what I am always thinking

of every moment of my life, your compassion would make you overlook every thing else I am sure.’ [8, 215].

Ўзбек ҳалқ тилида ҳам бу маъно қуидагича ифодаланади: “Юрагим такка тортиб кетди, ёки юрагим қисилиб кетди. Юрагим шув этиб кетди” ибораларида физиологик орган маъноси ҳам англашилади. Ўзбек тили бадиий адабиётида ҳам бундай мисолларни учратиш мумкин. Масалан, “Уларнинг отлари минг фарсангдан ортиқ йўл боссаям ҳали толиқмаган ва шамолдек учқур, қиличлари олмосдек ўткир, юракларига қўкув тушмаган эди”, ... от қўйиб келаётган чопарни кўриб, юрагига тулгула тушди [6, 12-63].

Хуллас, юрак туйғусида ҳам дўстлик, муҳаббат, баҳт каби туйғуларга яқин маънолар мавжуд. Таъкидлаш керакки, ўзбек тилида қалб ва юрак бир хил маъно, яъни синонимик хусусиятни англатса-да, бари-бир бу икки шакл маъносида фарқ бор. Манбаларнинг тасдиқлашича, қалб инсоннинг ички ҳаётига, юрак эса эмоция ва туйғуларга жавоб беради .

Адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий. Ўткан қунлар.-Т.: “Фафур Ғулом”, 1994.
2. Бердиёров X., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати.-Т.: “Ўқитувчи”, 1984, 241-б.
3. И.А.Каримов «Юксак маънавият - енгилмас куч» 130 бет.
4. Жуманиёзов Р. Муомала маданияти 5 б.
5. Нуриддин Исмоилов. Муҳаббат ва нафрат.-Т.: “Фафур Ғулом”, 2013.
6. Хуршид Даврон.-Т.: “Шарқ”, 2006.
7. Ҳалқ сўзи газетаси .2014.
8. Jane Austen “Sense and Sensibility”. www.Planetpdf.com.

Мардиеv T. Вербализация концепта «сердца» в английском и узбекском языках. В данной статье представлены и проанализированы выражения лексемы «сердце» в синонимическом ряду, её вербализация в ментальном значении, в пословицах, поговорках, а также в художественной литературе на английском и узбекском языках.

Mardiev T. Verbalization theconcept “heart”in English and Uzbek languages. This article refers to some discussions of the expression of the lexical unit “heart” in the synonymous row, its verbalization in mental meaning relative to human feeling in English and Uzbek proverbs and fiction texts.